



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-2-2>

UDC: 332.012.322

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Утемуратова Гулнарахан Хожаниязовна,
доцент, Қорақалпоқ давлат университети,
ORCID: 0000-0002-5196-1157, e-mail: gulnara.utemuratova.nukus@mail.ru

Кириш

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим вазифаларидан бири – келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш учун молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Шунга кўра, республикамиз иқтисодиётида инвестицион фаолликни ошириш асосида хизмат кўрсатиш корхоналарини самарали ривожлантириш ҳамда соҳада замонавий хизматлар ассортиментини кенгайтириш, хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш стратегик мақсадлардан биридир.

Қорақалпоғистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланишда инвестицион фаолиятни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

ДХШда ҳамкорлар учун самарадорликни баҳолаш услубияти муайян даражада ноаниқ ва бир хил тавсифга эга бўлиб, томонларнинг ҳар бири учун бу долзарбдир. Шунинг учун ҳамкорларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини амалга ошириш шакллари ва шартларини танлаш, муайян ДХШ лойиҳасининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш давлат органлари ҳамда хусусий сектор томонидан объектив бўлиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши

Аннотация. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини инвестициялашда давлат-хусусий шериклик механизидан фойдаланиш республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида шаклланди. Шундай экан, давлат-хусусий шериклиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳамда давлат ҳокимияти органлари назоратини ўзида сақлаб турган ва инвесторлар билан ҳамкорликни амалга оширадиган инвестицион лойиҳаларга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизми бўйича ҳамкорлар учун самарадорликни баҳолаш услубияти, ҳамкорларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини амалга ошириш шакллари ва шартлари, давлат-хусусий шериклиги лойиҳасининг мақсад ва вазифалари, давлат ва хусусий секторнинг активлари ва бошқарув кўникмаларини бирлаштириш орқали ҳамкорлик масалалари, давлат-хусусий шериклигининг кутилаётган тўсиқлари ва чекловлари, ҳамкорлик лойиҳаларини ташкил қилиш жараёни, лойиҳа самарадорлигини баҳолаш ва унга иқтисодий рискларнинг таъсири, инвестиция лойиҳаси самарадорлигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳани реализация қилишдан олинган интеграл иқтисодий самара, давлат-хусусий шериклигини амалга оширишда бюджет самарадорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, лойиҳа, самарадорлик, интеграл иқтисодий самара, давлат рисклари, чекловлар, бюджет самарадорлиги.



СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ

Утемуратова Гульнорахан Хожаниязовна,
доцент, Каракалпакский государственный
университет

Аннотация. В настоящее время использование механизма государственно-частного партнерства в инвестировании в сферу услуг становится важным направлением развития национальной экономики. Государственно-частное партнерство является важным инструментом обеспечения социально-экономического развития страны и важным источником финансовых ресурсов для инвестиционных проектов, сохраняющих одновременно контроль со стороны органов государственной власти и взаимодействие с частными инвесторами. В данной статье описаны: методика оценки эффективности государственно-частного партнерства в сфере услуг; формы и условия взаимовыгодных отношений между партнерами; цели и задачи проекта государственно-частного партнерства; объединение активов и необходимые управленческие навыки. Изучены ожидаемые барьеры и ограничения, существующие в государственно-частном партнерстве, а также процесс организации проектов сотрудничества. Проанализированы методология оценки эффективности проекта и влияние на нее экономических рисков, основные показатели определения эффективности инвестиционного проекта, комплексный экономический эффект от реализации инвестиционного проекта. На основе исследования предложены направления повышения эффективности использования бюджета при реализации государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: сфера услуг, частный сектор, государственно-частное партнерство, проект, эффективность, комплексная экономическая эффективность, общественные риски, ограничения, бюджетная эффективность.

IMPROVING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP EFFICIENCY ASSESSMENT METHODOLOGY IN THE SERVICE SECTOR

Utemuratova Gulnarakhan Khozhaniyazovna,
Associate Professor of Karakalpak State University

Abstract. At present, the use of Public-Private Partnership mechanism in investing in the services sector is becoming important in development of the national economy. Hence, Public-Private Partnership (PPP) is an essential tool for ensuring the socio-

инвестициялар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш ҳамда инвестицион лойиҳалар самардорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутати. Соҳада инвестицион сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш секторидаги корхоналарга ажратилган молиявий ресурслардан фойдаланиш самардорлигини яхшилашга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, асосий чоралар инвестицион механизмларнинг институционал асосларини ривожлантириш, бюджет ресурслари ҳамда жалб қилинган молиявий маблағлардан юқори даражада самарали фойдаланиш бўйича замонавий молиялаштириш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илмий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, давлат-хусусий шериклигининг шартнома шакллари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларининг кўлами ва шакллари кенгайтишига таъсир этувчи омиллар илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Дж.К. Гелбрейт [4, 200-250-б.] ўз асаида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, инвестицион маблағларнинг шаклланиши, давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари каби йўналишларни тадқиқ қилган.

Ж. Пьер, Ж.Г. Петерс [19, 89-108-б.] асарларида хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари да-



ромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳити шаклланиши учун давлат иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий сектор иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Россиялик олимлар В.Г. Варнавский, А.В. Клименко, В.А. Королев [1, 45-85-б.]лар асарларида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулк объектлари билан боғлиқ йўналишлар ўрганилган.

В.А. Кабашкиннинг [6, 15-18-б.] диссертация авторефератида «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари, давлат-хусусий шериклиги моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари ҳамда унинг афзалликлари тадқиқ қилинган.

Е.Д. Фролова [13, 31-32-б.] мақоласида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий сектор иштирокини таъминлаш, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари ва унинг афзалликлари ёритиб берилган.

Иқтисодчи олимлар С.Э. Элмирзаев, Н.Ш. Шавкатов [20]лар илмий мақоласида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари, дав-

economic development of the country and an important source of financial resources for investment projects that retain control of public authorities and cooperate with investors. This paper reviews a methodology for assessing effectiveness of Public-Private Partnership in the services sector, forms and conditions of mutually beneficial relations between partners, goals and objectives of PPP projects, cooperation through public and private sector assets and management skills, public-private partnership. Furthermore, the paper analyzes expected obstacles and limits of the private partnership, the process of organizing cooperation projects, assessment of project effectiveness and the impact of economic risks on it, key indicators for determining effectiveness of investment projects, integrated economic efficiency of the investment project, budget efficiency in the Public-Private Partnerships.

Keywords: services sector, private sector, public-private partnership, project, efficiency, integrated economic efficiency, public risks, limitations, budget efficiency.

лат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва омиллари тадқиқ қилинган.

Материал ва методлар

Тадқиқот жараёнида иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик ривожланишига методологик ёндашувнинг илмий асослари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий йўналишлари, ушбу механизмни жорий этиш бўйича чекловлар, давлат рискларини тизимли тартибда аниқлаш ва таснифлаш мезонларининг шаклланиши, инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳани реализация қилишдан олинган интеграл иқтисодий самара, давлат-хусусий шерикликни амалга оширишда бюджет самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.



Тадқиқот натижалари

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида бозор механизмининг асосий ғояси турли тармоқлар, корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Бунда иқтисодий субъектларнинг самарали ва қулай фаолият турини танлаш муҳимдир. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бугунги кунда бозорда рақобатдош тадбиркорликнинг замонавий кўринишдаги моделининг муҳим таркибий қисми сифатида инвестициялар жозибдорлигини ошириш ва давлат-хусусий шериклик (ДХШ)ни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда, фаолият юритишнинг эгилувчан шакллари янги этиш заруратга айланмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти жараёнида иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат ва бозор механизми элементлари мувофиқлигини таъминлаган ҳолда, хўжалик фаолиятининг самарали шакллари янги этиш барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий тизимда юз бераётган ўзгаришлар, янги асортиментдаги маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга тез мослашадиган, истеъмолчилар талабларини ўз вақтида қондира оладиган ҳамда мунтазам ривожланиш тенденциясига эга бўлган хусусий сектор корхоналарини ривожлантириш, айниқса, муҳимдир. Бунда мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг ошиши ва иқтисодий ўсишни таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва ўрни беқиёс.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида аҳоли фаровонлигини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиш бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринлари ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда республикада янги иш ўринлари яратишда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли катта. Чунки хизмат кўрсатиш соҳаси

жадал суръатлар билан ривожланиб бориш тенденциясига эга бўлиб, унда меҳнат тақсимотининг кенгайиши ва инсон капиталининг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса соҳада инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш лозимлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси асосий тушунчаларда «давлат-хусусий шериклик объекти – лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар»дан ташкил топади.

Ушбу қонунга мувофиқ, давлат-хусусий шерикликнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- давлат шериги ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;
- давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-тамоийилларнинг шаффофлиги;
- хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Инвестицион лойиҳалар асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш жараёнида муносабатларни шакллантириш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатишга асосланган манфаатли ҳамкорликни реализация қилишнинг муҳим шартидир. Таъкидлаш керакки, ушбу муносабатлар масъулиятли ва ўзига хос тавсифга эга. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида



ДХШнинг аниқ лойиҳаларини реализация қилиш самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамиятга молик.

ДХШни амалга оширишнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: давлат-хусусий корхоналари; концессия келишуви (шартномалар); маҳсулотни тақсимлаш шартномаси (МТШ); хусусий секторга давлат томонидан тақдим қилинган шартномалар; ижара муносабатлари; муҳим иқтисодий зоналар; хусусий инвесторларга ер, инфратузилма кабилардан фойдаланишда солиқ ва божхона имтиёзлари берилган лойиҳалар ва бошқалар.

Жадвалда давлат ва хусусий сектор ўртасида лойиҳаларни реализация қилиш ва молиявий ресурсларни тақсимлаш муддатларида ДХШ шакллари танлашга боғлиқлиги келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, келтирилган шакллар доимий тарзда қўлланилади ва ДХШни реализация қилишда хусусий бизнес иштироки муҳим ҳисобланади. Давлат мулкидан фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари ва ишлаб чиқаришнинг бевосита иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши давлат мулкни бошқариш тизимини қуришда функцияларни аниқ тақсимлаш зарурлигини назарда тутди.

ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш жараёнида инвесторлар миллий қонунчилик нормаларига риоя қилиш, ҳамкорликни расмийлаштириш тартибининг шаффофлигига эътибор қаратишни тақозо этади.

ДХШ ўзининг шаклларида мустақил равишда бир қатор имкониятларга эга ва ҳар бир ҳамкор учун афзалликни аниқлашни таъминлайди. Хусусий бизнес учун бу имконият ва афзалликлар барқарор ва кенг кўламли бозорни эгаллаш, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, корхона имижини яхшилаш ҳамда вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқига эга давлат объектларидан фойдаланиш ва оқилона бошқариш, муҳим ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестициялар кiritиш ҳисобига пул оқимларини кўпайтиришда намоён бўлади.

Давлат секторига келсак, хусусий сектор вакиллари билан ДХШ механизми асосида ҳамкорликни амалга ошириш унинг функцияларини хусусий секторга ўтказишда пайдо бўлади ва бу жамият манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда уларга риоя қилишни назорат қилиш ва тартибга солиш имконини беради. Бунда ушбу турдаги келишув бўйича учинчи томон манфаатларини ҳисобга олиш керак, яъни жамият сифатли ва арзон хизматларга эга бўлади.

Жадвал

Давлат-хусусий шериклиги механизмини амалга ошириш шакллари*

Турлари	Эксплуатация ва фойдаланиш	Капитал қўйилмалар	Тижорат хавфи	Активлар	Муддати (йил)
Очиқ иқтисодий зона	Давлат-хусусий шериклик	Давлат-хусусий шериклик	Тақсимланган	Давлат	20 йилгача
Акциядорлик жамиятлари	Давлат-хусусий шериклик	Давлат-хусусий шериклик	Тақсимланган	Давлат	3 йилгача
МТШ	Хусусий	Хусусий	Хусусий	Давлат	25 йил ва ундан ортиқ
Бошқарув шартномаси	Хусусий	Давлат	Давлат	Давлат	3-5 йил
Хизмат кўрсатиш шартномаси (аутсорсинг)	Давлат-хусусий шериклик	Давлат-хусусий шериклик	Давлат	Давлат	1-3 йил
Лизинг шартномаси	Хусусий	Давлат	Давлат	Давлат	5 йил ва ундан ортиқ
Давлат шартномаси	Давлат	Давлат	Давлат	Хусусий	1 йил
Концессия шартномаси	Хусусий	Хусусий	Хусусий	Давлат	20-30 йил
Ижара шартномаси	Хусусий	Давлат-хусусий	Тақсимланган	Давлат	5-20 йил


*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



ДХШнинг мақсади муайян ҳудудлар доирасида ёки иқтисодиёт сегментида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилиш асосида жамият эҳтиёжларини қондиришдир. ДХШ вазифаларига қуйидагилар тегишли: давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш; давлат ва хусусий сектор ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш; ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилиш; манфаатлар муштарақлигини таъминлаш; ДХШ субъектлари ресурсларини бирлаштириш ва кучларни мувофиқлаштириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий секторнинг ҳамкорлик муносабатлари субъектлар ўртасидаги келишувга эришишга қодир бўлган ўрнатилган ва амалга оширилаётган тамойиллар асосида ривожланиши зарур [2].

Мавжуд услубий ёндашув ва воситалар ҳамда давлат ва хусусий бизнес ўртасида ўзаро муносабатлар юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ДХШ тизими шаклланиши қуйидаги 1-расмда келтирилди.



1-расм. Давлат ҳокимияти органлари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари тизими*

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат томонидан бошқариш воситаларини танлаш ДХШ механизмининг кўлами ва тавсифига боғлиқ. Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ механизмининг ривожланиш концепцияси қуйидаги 2-расмда келтирилган. Кўп жиҳатдан олиб қарасак, ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги рискларни бошқариш сифати ва уларни тақсимлаш асосида аниқланади. Хавф-хатар иқтисодий фаолият шарт-шароитларининг тасодифий


ўзгариши ва ноқулай вазиятлар билан боғлиқликда кутилаётган фойда, даромад, мулк ёки пулнинг кутилмаган йўқолиши хавфи сифатида тавсифланади [22].

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, давлат ва хусусий сектор активлари ва бошқарув кўникмаларини бирлаштириш орқали ҳамкорликни шакллантиришда самарадорликни таъминлаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:



- инвестицион лойиҳани фақат молиялаштириш ва давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг касбий компетенциялари ҳисобига реализация қилиш мумкин эмас;
- хусусий шерик иштирокида кўрсатиладиган хизматлар сифати ёки даражаси маҳаллий ҳокимият органларининг ўзлари томонидан тақдим қилинганидан кўра юқорироқ бўлади;
- хусусий шерикнинг иштироки лойиҳани реализация қилиш ёки хизматлар кўрсатиш муддатини қисқартириш имконини беради;
- хусусий шерикларнинг рақобатла-

- шиш имконияти мавжуд бўлади;
- мазкур соҳада лойиҳани амалга ошириш ёки хизматлар билан таъминлаш учун хусусий шерикни жалб қилишга меъёр бўйича ёки қонунчиликда тўсиқлар йўқ;
- фаолият натижалари осонгина ўлчанади ва баҳоланади;
- ишлар ёки лойиҳани реализация қилишга харажатлар инновацион жараёнларни фаоллаштириш имконини беради;
- давлат ва хусусий бизнес ўртасида ҳамкорликнинг ижобий тажрибалари шаклланади.



2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожланишининг асосий йўналишлари*

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Агарда бирон-бир шарт бажарилмаса, у ҳолда ДХШ механизмини қўллаш тавсия этилмайди.

Давлат ҳокимияти органлари ДХШни шакллантириш учун хизматлар тўплами аниқлангандан кейин қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

1. Мазкур ДХШ лойиҳаларига қандай тўсиқ ва чекловлар бўлиши мумкин?

2. Ҳокимият органлари қандай тажрибага эга?

3. Хусусий сектор ушбу имкониятларга қизиқадими?

4. ДХШ мазкур хизматлар ёки объектлар эксплуатацияси учун энг қулай услуб ҳисобланадими?


ДХШнинг кутилаётган тўсиқлари ва чекловларини кўриб чиқиш ушбу турдаги шерикликни алоҳида хизматларни амалга ошириш усули сифатида рад этишга олиб келади. Бироқ ДХШ механизмидан фойдаланишнинг асосий шартлари бажарилган тақдирда ҳам, ҳамкорлик лойиҳаларини ташкил қилишдан олдин ечилиши керак бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Улардан дастлабкиси, ДХШнинг афзаллиги унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларидан устун турадими? Иккинчиси, тақдим қилинаётган ДХШ лойиҳаси хусусий тадбиркорлик учун манфаатлими?

Мазкур саволларга содда тарзда жавоб берсак, хусусий тадбиркорлик фойда олиш ва солиқ тўловларини камайтиришда, давлат эса солиқларни ошириш ҳамда унинг муайян вазифаларини самарали ҳал қилишда ишончли бўлиши зарур, деб эҳтимолий тахмин қилиш мумкин. Бироқ реал молиявий-иқтисодий тизимда хўжалик субъектларининг ҳаракати бошқа қонунларга бўйсунди. Иқтисодиётнинг барқарор ҳолати ва жамиятдан манфаатдор бўлган хусусий шериклар, одатда, бунинг учун халқаро ва миллий даражадаги стандартларга мувофиқ равишда тўлашга тайёр турадилар. Давлат эса қонунчилик тизими орқали кўп ҳолларда бюджет тўловлари ва йиғимларини қисқартириш-

га тайёр. Чунки давлат учун нафақат солиқ тўловлари, балки лойиҳани реализация қилишнинг умумий иқтисодий самараси ҳам муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, ДХШ лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда фойда ва харажатларнинг энг яхши нисбатига эришишдир. Максимал самарадорликни таъминлаш лойиҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг муҳим шarti сифатида қаралмоқда.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш ҳамкорлик шартномаларининг кетма-кетлигида амалга оширилишини ҳисобга олсак, лойиҳа самарадорлигини баҳолаш ва унга иқтисодий рискларнинг таъсири таҳлил натижалари орқали танланиши мумкин. Унинг моҳияти лойиҳанинг у ёки бу дастлабки параметрларининг таянч қийматдан четга чиқишнинг натижавий лойиҳа кўрсаткичларига таъсир даражасини ўлчашдан иборат.

Бунинг учун фойда ва харажатлар шаклланишида иштирок этувчи барча параметрларнинг асосий қиймати лойиҳада (соф жорий қиймат, рентабелликнинг ички нормаси, даромадлилик индекси ва ҳ.к.) самарадорлик мезонларини ҳисоблаш натижаларига эга бўлиши лозим. Ундан кейин ҳар қандай параметр қиймати ўзгариши (ошади ёки камаяди) ва мезоннинг янги қиймати лойиҳада келтирилган бошқа кўрсаткичларнинг асосий қийматлари билан ҳисобланади. Ундан кейин тартиб барча муҳим омиллар учун такрорланади. Ҳисоб-китоб натижалари асосида сезувчанлик диаграммаси ёки жадвали тузилади. Унинг кўмагида лойиҳа самарадорлигига таъсир кўрсатувчи аҳамиятли омиллар аниқланади. Агарда самарадорлик мезонларининг муайян омиллар ўзгаришига боғлиқлиги қанча кучли бўлса, ноаниқлик шунча юқори бўлади. Қуйидаги 3-расмда буни кузатиш мумкин, яъни тўғри чизиқнинг абсцисса ўқиға мойиллик бурчаги қанчалик катта бўлса, бу омил лойиҳа самарадорлиги мезонига шунчалик катта таъсирга эга.



3-расм. Лойиҳа самарадорлиги мезонларининг ўзгарувчан параметрлар ўзгаришига сезгирлиги диаграммаси*

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бошланғич кўрсаткичларнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда олинган кўрсаткичлар сезгирлигининг нисбий тавсифи эластиклик коэффиценти ҳисобланади. Параметрларнинг бир фоизга ўзгариши билан самарадорлик мезони неча фоизга ўзгаришини аниқлайди.

$$K_{el} = \frac{\Delta SJQ / SJQ}{\Delta O / O}, \quad (1)$$

бу ерда: K_{el} – эластиклик коэффиценти; SJQ, O – соф жорий қийматнинг базавий қиймати ва тадқиқ қилинган омил; $\Delta SJQ, \Delta O$ – соф жорий қийматнинг ўзгариши ва тадқиқ қилинган омилнинг ўзгариши.

Коэффициент манфий (инвестицияларнинг кўпайиши ёки камайиши соф жорий қийматнинг камайиши ёки ошишига олиб келади) ёки мусбат (маҳсулот бирлигига нархнинг пасайиши ёки ошиши соф жорий қийматнинг пасайиши ёки ошишига олиб келади) бўлиши мумкин. Аммо ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда, эластиклик коэффиценти белгиси қолдирилиши мумкин, яъни коэффицентнинг мутлақ қийматига эътибор қаратилади.

Net Present Value (NPV, соф дисконтланган даромад, фойда) – инвестиция лойиҳаси самарадорлигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, у дисконт-

ланган вақт бирлиги ичида лойиҳадан олинadиган тушум билан унга қилинган инвестицион сарфлар ўртасидаги фарқни назарда тутади.

NPVни аниқлаш усули [17]:

- жорий сарфлар қийматини аниқлаш (лойиҳага жалб қилинган инвестициялар);
- лойиҳадан келадиган пул тушумлари жорий қийматини ҳисоблаш, бунда ҳар бир ҳисобот даврининг даромадлари жорий санага келтирилади:

$$PV = \sum_{t=0}^n PV_t = \sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t}, \quad (2)$$

бу ерда: CF – пул оқимлари; r – дисконт фойизи ставкаси.

Лойиҳага (I_0) киритилган инвестициянинг (лойиҳага сарф-харажатлар) жорий қийматини даромадларнинг жорий қиймати (PV) билан таққослаш. Улар ўртасидаги фарқ соф дисконтланган даромад (фойда) – NPV аниқланади.

$$NPV = PV - I_0, \quad (3)$$

бу ерда: NPV – инвестор томонидан инвестицион лойиҳага маблағ киритиш натижасида мазкур маблағни банкда сақлаш билан таққослаганда, фойда ёки зарар кўришни ифодалайди. Бунда NPV қиймати 0 дан катта бўлса, у ҳолда инвестициялар мазкур маблағларни банкларда сақлагандан кўра кўпроқ даромад (фойда) келтиришини билдиради.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусиятларига кўра, лойиҳага инвестицион маблағлар бир неча босқичда (даврларда) реализация қилиниши зарур бўлган лойиҳалар учун 3-формула модификацияланади.

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{I_t}{(1+r)^t}, \quad (4)$$

бу ерда: CF – пул оқимлари миқдори; I – лойиҳага t -даврдаги инвестиция қўйилмалари суммаси; r – дисконт ставка; n – йиллар сони.



Ички даромадлилик нормаси – Internal Rate of Return (IRR) – дисконтлашнинг шундай фоизини аниқлайдики, унда инвестициялар 0 га ($NPV = 0$) ёки лойиҳанинг харажатлари унинг фойдасига (даромади) тенг бўлади.

$IRR = r$, бунда $NPV = f(r) = 0$, формула (2.4)дан қуйидаги тенглик ҳосил бўлади [18]:

$$NPV(IRR) = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+IRR)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{I_t}{(1+IRR)^t} = 0, \quad (5)$$

бу ерда: CF – пул оқимлари миқдори; I – лойиҳага t -даврдаги инвестиция маблағлари суммаси; r – дисконт ставкаси; n – йиллар сони.

Инвестицион лойиҳани реализация қилишдан жами иқтисодий самара умумий кўринишда қуйидаги формула асосида ҳисобланади [10]:

$$S = NPV + S_b + S_y, \quad (6)$$

бу ерда: S – инвестицион лойиҳани жорий этишдан жами иқтисодий самара; NPV – инвесторнинг соф дисконтланган даромади; S_b – республика ва маҳаллий бюджетга солиқ тушумлари суммаси сифатида аниқланадиган жами бюджет самарадорлиги; S_y – технологик босқичларда лойиҳага жалб қилинган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан барча даражалардаги бюджетларга солиқ ва солиқсиз тушумларнинг суммаси сифатида муайян инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг билвосита самараси.

Ушбу моделни ДХШ тизимидаги лойиҳалар учун лойиҳа rischi ҳамда ташқи ва ички муҳитнинг ўзгариш шароитига таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиш шарти билан қўллаш мумкин.

Агарда самарали ҳамкорликни баҳолаш ва ўзаро таъсир этиш тамойилларини аниқлаш мақсадида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларини қарасак, у ҳолда қаралаётган фарқ миқдо-

ри бизнес ва ҳокимият манфаатлари бўйича умумий келишувни муайян даражада чеклайди.

Агарда «инвестициялар ҳажми – бюджетга жами тўловлар» координата тизимида ДХШ лойиҳасини реализация қилиш натижасида эришилган жами иқтисодий самарани кўрсатсак, хусусий тадбиркорлик манфаатлари кўпроқ қондирилиши намён бўлади. Агарда ҳокимият билан ҳамкорлик натижалари бюджетга тўланадиган минимал тўловларга мувофиқ келса, бу, ўз навбатида, ҳар доим ҳам ҳокимият манфаатларига мос келмайди.

Давлат ДХШнинг бюджет самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларни танлаши мумкин:

1. Бюджетга тўловларни ошириш ҳисобига бюджет самарадорлигини ошириш. Бу шундай ҳолатда мумкинки, агарда муайян ҳудудда ДХШ доирасида амалга ошириш бўйича кенг миқёсли самарали таклифлар ҳамда хусусий сектордан кўплаб мурожатлар мавжуд бўлса, реал ҳаётда бундай ҳолат жуда кам учрайди.

2. Иккинчи йўл – ДХШда «оптимал нуқта»ларни қидириш ҳам бюджетга тўловларнинг минимал талаб қилинадиган миқдорини, ҳам ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган инвестицияларнинг максимал миқдорини назарда тутати. Айнан «оптимал нуқта»лар ДХШнинг «ўсиш нуқталари» ҳисобланади.

Комплекслилик ва тизимлилик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, айтиш керакки, ДХШ самарадорлигини умумий баҳолашдан ташқари давлат ва бизнес ҳамжамияти ҳамкорлигининг ҳар бир лойиҳасини хусусий баҳолаш лозим.

Шундай экан, масалан, Леонтьев маркази мутахассислари томонидан ДХШ лойиҳалари сифатини баҳолаш учун қуйидаги мезонлар таклиф этилган:

1. Лойиҳанинг ДХШ мезонларига мувофиқлигини таъминлаш.

2. Лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

3. Лойиҳа бажарилишининг реал воқеликка мослиги ва амалга оширилиши.



4. Шерикни танлаш тартибининг очиқлиги.

5. Жамоат сектори ва хусусий тадбиркорлик (субсидия ва инвестицияларга нисбатан) ўртасида фойда ва рискнинг муносиб тақсимланиши.

6. Лойиҳанинг узоқ муддатлиги, унинг келгусида такрор ишлаб чиқарилиши (янгилаш ёки давом эттириш имконияти).

7. Лойиҳанинг стратегик режа билан боғлиқлиги.

Лойиҳа сифати бир мезон бўйича балл тизими (1-5 балли тизим)да баҳоланади. ДХШ лойиҳалари сифатини интеграл баҳолаш учун 2-6 мезонлар бўйича баллар ҳисобланади.

Умуман олганда, ДХШ жараёнлари ва алоҳида шериклик лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш, гарчи у умумий ёндашувларга эга бўлса-да, уларни реализация қилишнинг муҳим шарт-шароитлари ва омилларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур жараён алоҳида тартибда амалга оширилиши зарур. Шунингдек, лойиҳаларнинг пировард самарадорлиги давлат, тадбиркорлик ва жамият ривожланишидаги тизимли муаммоларни ечишга йўналтирилган давлат ва ишбилармон доираларнинг умумий самарасини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши керак.

Хулосалар

1. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш ва замонавий сервис тизимини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш учун молиявий ресурслардан самарали фойдаланишдир. Шунга кўра, соҳада инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш жараёнида муносабатларни шакллантириш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатишга асосланган манфаатли ҳамкорликни реализация қилишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ушбу муносабатлар масъулият-

ли ва ўзига хос тавсифга эга. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг аниқ лойиҳаларини реализация қилиш самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамиятга молик.

2. Давлат ва хусусий сектор активлари ва бошқарув кўникмаларини бирлаштириш орқали ҳамкорликни шакллантиришда самарадорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. ДХШда ҳамкорлар учун самарадорликни баҳолаш услубияти муайян даражада ноаниқ ва бир хил тавсифга эга бўлиб, томонларнинг ҳар бири учун бу долзарбдир. Шунинг учун ҳамкорларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини амалга ошириш шакллари ва шартларини танлаш, муайян ДХШ лойиҳасининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш ҳам давлат, ҳам хусусий сектор субъектлари томонидан объектив ва очиқ бўлиши зарур.

3. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш унинг самарадорлигини баҳолаш ва инвестицион лойиҳага иқтисодий рискларнинг таъсирини таҳлил қилиш натижалари орқали аниқланиши мумкин. Унинг моҳияти лойиҳанинг у ёки бу дастлабки параметрларининг таъяс қийматдан четга чиқишнинг натижавий лойиҳа кўрсаткичларига таъсир даражасини ўлчашдан иборат. Мазкур ҳолатда фойда ва харажатлар шаклланишида иштирок этувчи барча параметрларнинг асосий қиймати лойиҳада (соф жорий қиймат, рентабелликнинг ички нормаси, даромадлилик индекси ва ҳ.к.) самарадорлик мезонларини ҳисоблаш натижаларига эга бўлиши лозим. Ундан кейин ҳар қандай параметр қиймати ўзгаради (ошади ёки камаяди) ва мезоннинг янги қиймати лойиҳада қелтирилган бошқа кўрсаткичларнинг асосий қийматлари билан ҳисобланади. Ҳисоб-китоб натижалари асосида сезувчанлик диаграммаси ёки жадвали тузилади, унинг кўмагида лойиҳанинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи аҳамиятли омиллар аниқланади.

4. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш муай-



ян даражада умумий ёндашувларга эга бўлса-да, уларни реализация қилишнинг муҳим шарт-шароитлари ва омилларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур жараён алоҳида тартибда амалга оширилиши зарур. Инвестицион лойиҳаларнинг пировард

самарадорлиги давлат, тадбиркорлик ва жамият ривожланишидаги тизимли муаммоларни ечишга йўналтирилган давлат ва ишбилармон доираларнинг умумий самарасини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши зарур.

REFERENCES

1. Varnavskiy V.G., Klimenko A.V., Korolev V.A. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: teoriya i praktika [Public-private partnership: theory and practice]. Moscow, GU-HSE, 2010.
2. Varnavskiy V.G. Partnerstvo gosudarstva i chastnogo sektora: formy, proyekty, riski [Partnership between the state and the private sector: forms, projects, risks]. Moscow, Nauka, 2005, 315 p.
3. Gosudarstvo i biznes: institutsional'nyye aspekty [State and business: institutional aspects]. Moscow, IMEMO RAN, 2006, p. 40.
4. Gelbreyt Dzh.K. Ekonomicheskiye teorii i tseli obshchestva [Economics and the goals of society]. Economics and the Public Purpose (1973). Ed. and with preface N.N. Inozemtsev, A.G. Mileikovsky. Moscow, Progress, 1976, 408 p.
5. Djumaniyazov U.I. Davlat-xususiy sherikchiligi asosida korporativ boshqaruvni rivojlantirishning ayrim nazariy-uslubiy masalalari [Some theoretical and methodological issues of corporate governance on the basis of public-private partnership]. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. Ilmiy elektron jurnali – Economy and Innovative Technologies Scientific. Electronic journal*, 2017, May-June, no. 3, p. 9.
6. Kabashkin V.A. Formirovaniye i razvitiye partnerskikh otnosheniy gosudarstva i predprinimatel'skikh struktur v Rossiyskoy Federatsii (upravlencheskiy aspekt) [Formation and development of partnerships between the state and business structures in the Russian Federation (management aspect)]. Abstract of Doctor's degree dissertation. 08.00.05. Moscow, 2007, p. 23.
7. Kukura S.P. Teoriya korporativnogo upravleniya [Theory of corporate governance]. Moscow, Economics, 2004, p. 105.
8. Makkonell K.R., Bryu S.L. Ekonomiks. Printsipy, problemy, politika [Economics. Principles, problems, politics]. Moscow, Respublika, 1992, vol. 2, p. 398.
9. Natsional'nyye innovatsionnyye sistemy v Rossii i YES [National innovation systems in Russia and the EU]. Ed. V.V. Ivanov, S. Klesova, P. Lindholm, O.P. Luksha. Moscow, TsIPRAN RAN, 2006, p. 200.
10. Psareva T.V., Sushentseva N.V. Metodologicheskiye osnovy vzaimodeystviya organov vlasti i biznesa pri formirovani i realizatsii kompleksnykh programm sotsial'no-ekonomicheskogo razvitiya munitsipal'nykh obrazovaniy [Methodological foundations of interaction between authorities and business in the formation and implementation of integrated programs for the socio-economic development of municipalities]. *Ekonomika i upravleniye – Economics and Management*, 2008, no. 4.
11. Romanova O.A. Teoriya i praktika razvitiya chastno-gosudarstvennogo partnerstva [Theory and practice of development of public-private partnership]. *Vestnik Ural'skogo gosudarstvennogo tekhnicheskogo universiteta – Bulletin of the Ural State Technical University*, 2007, no. 3, p. 41.
12. Styrin Ye.M. Mezhdunarodnyy opyt ispol'zovaniya GCHP dlya realizatsii proyektov elektronnoy pravitel'stva [International experience in the use of PPP for the implementation of e-government projects]. Moscow, Publishing House HSE, 2010.
13. Frolova Ye.D. Osnovnyye tendentsii razvitiya vzaimootnosheniy gosudarstva i biznesa [The main trends in the development of relations between the state and business]. *Vestnik USTU-UPI*, 2003, no. 7, p. 31.
14. Khodzhayev P.D. Zarubezhnyy opyt formirovaniya i razvitiya partnerskikh otnosheniy mezhdugosudarstvom i regional'nymi predprinimatel'skimi strukturami [Foreign experience in the formation



and development of partnerships between the state and regional business structures]. *Vestnik Rossiysko-tadzhikskogo (slavyanskogo) universiteta – Bulletin of the Russian-Tajik (Slavonic) University*, Dushanbe, RTSU, 2014, no. 3 (46), p. 102.

15. Sharinger L. Novaya model' investitsionnogo partnerstva gosudarstva i chastnogo sektora [A new model of investment partnership between the state and the private sector]. *Mir peremen – World of change*, 2004, no. 2, p. 22.

16. Shumpeter Y.A. Istoriya ekonomicheskogo analiza [History of economic analysis]. In 3 vols. St. Petersburg, School of Economics, 2004.

17. Ergashev I.I. Xizmat ko'rsatish sohasida innovatsion-investitsion jarayonlarni rivojlantirish va samaradorligini oshirish [Development and efficiency of innovation and investment processes in the service sector]. PhD thesis. Samarkand, Samarkand Institute of economics and service, 2018, pp. 30-31.

18. Elmiraev S.E., Shavkatov N.Sh. Davlat-xususiy sheriklik munosabatlarining ilg'or xorij tajribalari va mamlakatimizda qo'llash istiqbollari [Advanced foreign experience of public-private partnership relations and prospects of application in our country]. *Xalqaro moliya va hisob. Ilmiy elektron jurnali – "International Finance and Accounting. Scientific electronic journal*, 2019, June, no. 3.

19. Peters J.G., Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). N.Y., 2000.

20. Daniel F.R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth. *Center for Strategic and International Studies (CSIS)*, 2017, January, p. 4.

21. Dochia P.M. Introduction to Public-Private Partnerships with Availability Payments. *Public Works Financing newsletter*. Available at: http://www.Pwfinance.net/document/research_reports/9%20intro%20availability.pdf/ (accessed 12.02.2016).

22. Independent valuation of all types of property and rights, forensics and valuation counseling. Appraisal company "BK-Arkadia". Available at: www.bk-arkadia.ru/.

Тақризчи:

Арабов Н.У., и.ф.д., профессор, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети "Инсон ресурсларини бошқариш" кафедраси мудири.